



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 3-oktabr. Payshanba • 118 (31.708)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Кучли давлатдан —
кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловлар уюшқоқлик билан ўтади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслахатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслахатчилари сайлови ўтказилади. Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида ана шу жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Халқ депутатлари Андижон туман кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам ана шу масала муҳокама этилди. Унда туман кенгаши депутатлари, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Тумандаги 87 та ўзини ўзи бошқариш органларида ушбу жараёни юқори савияда ташкил этиш, уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча зарур ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслахатчилари сайловини

ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия, шунингдек, ишчи гуруҳлари сайловларнинг очиқ, ошкоралигини таъминлаш, қонуний тамойиллар ва белгиланган тартиблар доирасида ўтишига ёрдам кўрсатиши алоҳида таъкидланди.

Депутатлар мазкур масала юзасидан ўзларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бундай сессиялар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДП: маҳаллий Кенгашларида

Парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат.



Депутатлик назорати

партия электорати манфаатларини ҳимоя этиш ҳамда ижро ҳокимиятининг масъулиятини оширишга хизмат қилиши зарур → 2

Муносабат

Ёшлар бандлигини таъминлаш

уларнинг келажаги, тақдири билан боғлиқ вазифа

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ФИКРЛАР, ИЛГАРИ СУРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ЖОЙЛАРДА, ХУСУСАН, ЎЗХДП ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАМ ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА.

2

Маҳалла билан ҳамкорлик

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ
қўчайтиришнинг муҳим
кафолати

ЎзХДП Дастурига кўра, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини қўчайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик институтларини кенг иштирок этишга рағбатлантирадиган ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантириш муҳим масала сифатида белгиланган.

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Ўзбекистон ОВОЗИ
ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА
1918 йил 21-ноябрдан чиқа бoshлаган

Биз сизга: Таърифот Рўшнолар Таърифот ва мулоқотлар

2013 йил — СВОД ТУНУШ ЙИЛИ

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ҲУРМАТ ВА ИЗЗАТДА

Қўрғонда Давлат бюджетнинг 60 фоизи лойиҳаси соғир саёбончида. Шундан 30 фоизи тўрқандан-ўрқан тўғрисида таъминланмоқда.

Қарор ва шарҳ
Дастурий таъминот
тизими ривожланади

www.uzbekistonovozi.uz

Меҳр-мурувват кўрсатилди

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган oilalar фарзандларини қўллаб-қувватлаш, имконияти чекланган болалар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, мурувват ва меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари қайта таъмирланмоқда. Уларда замонавий шарт-шароитлар яратилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Яқинда Шўрчи туманидаги 122-сонли қар ва кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва 68-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси тарбияланувчиларига ҳомийлар томонидан 20 миллион сўмга яқин турли совғалар топширилди.

— Иштиқол йилларида бизнинг масканимиз янгича қиёфа касб этди, — дейди 122-сонли мактаб-интернат директори ўринбосари Сирожиiddин Тангирулов. — 180 ўринли ўқув биноси, 75 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди, замонавий спорт зали, янги ошхона қурилди. Ҳовлимиз обод бўлди, боғ яратилди. Дурадгорлик устоҳонаси, тикувчилик цехи фаолият

кўрсатмоқда. Спорт, зардўзлик ва бошқа тўғарақларимиз ишлаб турибди. Давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилган бўлсада, бугунгидек мурувват йўқловлари болаларимизни янада хурсанд қилади. Бундай тadbирлар уларнинг қалбида бир умр сақланиб қолади. — Ҳар биримизга бежирим либослар берилиб, турли совғалар улашилди. Ниҳоятда хурсанд бўлдик, — дейди мазкур мактабнинг 7-синф ўқувчиси Муножот Курбонова. — Саховатпеша инсонларга катта раҳмат!

Имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган бундай хайрли ишлар вилоятда анъанага айланган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳалла гузари ишга тушди

Жиззах тумани Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган «Гулзор» маҳалласида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Фуқаролар йиғинининг муҳташам биноси, болалар спорт мажмуаси, маиший хизмат уйи, бозорча маҳаллага чирой, аҳолига қулайлик, болаларга қувонч бахш этди.

(ЎЗ мухбиримиз.)

«Жиззах» махсус индустриал зонаси

янги иш
ўринлари
яратиш аҳоли
даромадларини
янада ошириш
имконини беради

3

Ўзбекистондаги уч босқичли таълим тизими

ягона бир воя,
умумий бир
мақсад йўлида
бирлашган



4

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Депутатлик назорати

партия электорати манфаатларини
ҳимоя этиш ҳамда ижро ҳокимиятининг
масъулиятини оширишга хизмат
қилиши зарур

ЎзДП: маҳаллий Кенгашларида

ЎзДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Гулистон шаҳрида ташкил этилган амалий семинар ҳам айнан депутатлик назорати, уни янада кучайтириш ҳамда бу борада Сирдарё вилоят партия ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар таҳлиliga бағишланди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашида 44 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 313 нафар депутат фаолият қўрсатмоқда. Уларнинг 160 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари ҳисобланади. Вилоятда қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш, Давлат дастурларини амалга ошириш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ЎзДП

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Депутатлик назоратини амалга оширишнинг асосий шаклларида бири депутатлик сўровидир. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунда депутатлик сўровини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган. Хусусан, унда депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли экани белгилаб қўйилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборишга мажбурдир.

Депутатлик назоратини амалга ошириш учун яратилган ҳуқуқий асослардан самарали фойдаланиш, шу орқали электорат манфаатларини барча ҳудудларда ишончли ҳимоя қилиш лозим.

Алишер ТОШМАТОВ, ЎзДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия депутатлари гуруҳлари томонидан Ҳаракат дастурида белгиланган 3 та масала сессиялар му-

ҳокамасига кири-тилди. Хусусан, 2013 йил 22 январда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида вилоят туман ва шаҳарларида замонавий йўл коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш орқали маҳаллаларни обод қилиш, бу борада мутасадди идоралар фаолияти самардорлигини ошириш юзасидан депутатлик назорати ўрнатиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Сессия қарори ижросини таъминлаш бўйича депутатлик гуруҳимиз изчил фаолият қўрсатди. Хусусан, депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан «Сувоқава» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Ўзавтйўл» вилоят бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидлаш керакики, сессия қароридида кўзда тутилган чоралар Обод турмуш йили Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар бажарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, семинарда ЎзДП Марказий Кенгаши бўлим му-



дири Боймурод Юсупов, Боёв туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Раббимқул Ибрагимов ҳамда партиянинг бошқа фаоллари депутатлик назорати бўйича ҳуқуқий қўллаш амалиётини кучайтириш, депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш масалалари юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир якунида халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги ЎзДП депутатлик гуруҳларининг депутатлик назоратини тизимли олиб бориш билан боғлиқ фаолиятини янада кучайтириш, бу борада депутатларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурани ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёшлар бандлигини таъминлаш

уларнинг келажаги, тақдири
билан боғлиқ вазифа

Олим РАВШАНОВ,
ЎзДП Қашқадарё
вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
депутатлик гуруҳи раҳбари



Президентимиз Қашқадарёнинг бугунги ва эртанги кунини, келажаги ҳақида тўхталар экан, ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, бу масалага масъул бўлган раҳбарлар жавобгарлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига тўхталар экан, **агарки биз инсон тақдири, унинг ҳаётини манфаатларини асосий ўринга қўймасак, ёшларимизни иш билан таъминламасак, фарзандларимиз, келажакимиз олдида хиёнат қилган бўламиз.** деди давлатимиз раҳбари.

Бу танқидий фикрлар, амалга оширилиши кўрсатилган муҳим вазифалар биз — ЎзДП фаоллари ва депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки, партияимиз мазкур масалани ўзининг устувор вазифаларидан, деб ҳисоблайди.

Сессияда билдирилган фикрлардан шундай хулосага келдикки, демек, касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш йўлидаги ишларимизни қайта кўриб чиқишимиз керак. Шунингдек, бу борада партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз катъияти ва ташаббускорлигини янада кучайтиришимиз зарурлигини чуқур англаб етдик.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маҳалла билан ҳамкорлик

ижтимоий ҳимояни
кучайтиришнинг
муҳим кафолати

Кимнинг уйида тўй, кимникида маросим, ким ёрдамга муҳтож, кимнинг ёнида туриш керак? Буларни ким билади? Маҳалла билади, маҳалланинг ўзи ҳал қилади...

ЎзДП Сайловолди дастурига мувофиқ қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш, ўз ишини очиб, қишлоқларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хотин-қизлар ҳамда ёшларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш мақсадида амалга оширилаётган турли лойиҳаларда маҳалла институти билан ҳамкорлиқни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бу институт мустақиллик йилларида ўзига хос тузилма сифатида қайта тикланди ва ривожланди. Конституциямизда мазкур институтнинг ҳуқуқий асоси мустақамлаштириш маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бугун республикамизда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Ҳудудларда тинчлик-тотувлиқни таъминлаш, фаровонлиқни оширишда уларнинг ўз ўрни бор. Мустақиллик йилларида маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи, фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти сифатида эътибор қилиниб, жамиятда ижтимоий бирдамлик кучайишида му-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳим омил бўлди. Буни қўллаб ҳаётини мисолларда кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллалар идораси атрофидаги бўш ер майдонларида республика бўйича жами 566 та янги кичик боғ ташкил этилган. 234 та болалар майдончаси қайта таъмирланган. Қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида маҳаллаларда 800 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очилишига, 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратилишига қўмаклашилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллаларда қилинаётган ишларни эътироф этди, айти пайтда, электорат манфаатини ҳимоя қилишда ушбу институт билан ҳамкорлиқни мустақамлаштиришнинг муҳим вазифаларидан, деб ҳисоблайди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда маҳаллаларда фаолият юритаётган ЎзДП ҳудудий ташкилотлари ўзига хос ўрин тутмоқда. Партия аъзолари, электорат вакиллари қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида режали тадбирлар ўтказилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзолари иштирокида кўча Жамоатчилиги қабулхоналари ташкил этилаётти. Шулар орқали ЎзДП маҳаллалар ривожига, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий бирдамлик кучайишига интилоқда, ўз сайловолди дастури ижросини таъминламоқда.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун

янги таҳрирда қабул қилиниши орқали маҳалланинг ҳуқуқ ва имкониятлари янада кенгайди. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Алия Юнусова. — Ҳозирда фуқаролар йиғинлари 30 дан ортиқ вазифани амалга оширмоқда. Президентимиз гоёси асосида маҳалла фаолиятига жорий қилинган янги меъёrlар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда, ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга қўмаклашишда, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришда маҳалла институтининг ваколат ва вазифаларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Маҳалла ҳалқнинг кўз ўнгидида идора, унга одамлар яхши-ёмон кундида маслаҳат, ёрдам сўраб келади. Шу маънода, маҳаллани юксалтириш, тинчлик-осойишталикни таъминлашда фуқаролар йиғини раисининг ўрни беқиёс. Ушбу лавозимга энг муносиб, катта ҳаётини тажрибага эга, ҳурмат ва ишончга сазовор кишилар сайланиши долзарб масала. Шунинг учун «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга раислар ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, йиғин раиси лавозимига кўрсатилган номзод маҳалла ҳудудида сайловга қадар камида 5 йил доимий яшаши, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида муайян иш тажрибасига, юқори маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозим.

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши маҳаллалар билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Электорат вакиллари манфаатини самарали ҳимоя этиш мақсадида қатор амалий

тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди ЎзДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, — Бу ҳақда гап кетганда, «Маҳалла» аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тизимли ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Лойиҳа бўйича жорий йилда ўтказилган тадбирлар доирасида кўча Жамоатчилиги қабулхоналари ҳам ташкил этилди. Уларда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари аҳоли вакиллари мингдан ортиқ муножотини қабул қилишди. Ҳозирга қадар уларнинг 80 фоиздан ортиги тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилди.

Лойиҳанинг яна бир муҳим йўналиши ҳамкор ташкилотлар иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилгани бўлди. Жорий йилда ўтказилган 30 га яқин ярмаркада 300 дан ортиқ корхона ва ташкилот қатнашди. Натижада 1500 нафарга яқин электорат вакиллари ишга йўлланма олди. Ушбу лойиҳадан қўзланган асосий мақсад, аҳоли, айнақса, партия электорати орасига чуқур кириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, вакиллик ҳокимияти орқали ўз жойида ҳал этишда қўмаклашиш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган партияимиз вакиллари орқали тегишли қонунларни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла институти ривожланиши, маҳалла билан ҳамкорлигимизнинг мустақамлаштириш партияимиз электорат манфаатига хизмат қилмоқда. **Басанджон ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Янги мактаб

фойдаланишга
топширилди

Пастдарғом туманининг Ўтарчи қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган 280 ўринли мактаб бунёд этилди.

— Янги мактаб билан биргаликда замонавий спорт зали ҳам қуриб битказилгани айти мудида бўлди, — дейди мактаб директори **Жаҳонгир Қаюмов.** — Бу ерда ўқувчиларимиз учун 5 та тўғарак иш бошлади. Эндиликда ўқувчиларимиз дарсдан бўш вақтлари-

ни мазмунли ўтказишлари, спорт билан қишда ҳам мунтазам шуғулланишлари учун имконият етарли. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг халқимизга яратиб бераётган имкониятлари, десак асло хато бўлмайди. **(Ўз мухбиримиз.)**


ЎзДП: электорат манфаати

«Жиззах» махсус индустриал зонаси



Фармон ва ижро

янги иш
ўринлари
яратиш аҳоли
даромадларини
янада ошириш
имконини беради



2000
йилда
вилоят
бўйича
бор-йўғи
90 та
саноат
корхона-
наси
фаолият
кўрсат-
ган
бўлса,
бугун
уларнинг
сонини
1307
тага
етди.

Республикаимиз Президентининг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони жиззахликлар кўнглини кўтарди, уларни катта ишларига руҳлантирди. Бугун Жиззах ва қўшни Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишдек эзгу мақсадларни қўлаб қабул қилинган мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш учун амалий ҳаракатлар бошлаб юборилган.

— Иқтисодий янада ривожлантириш, юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардор маҳсулот тайёрлашни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, бунинг учун қўлай сармоявий шарт-шароитларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги Алишер Қодиров. — Юқоридаги фармон мазкур йўналишдаги ишларни том маънода янги босқичга олиб чиқди. Шу тариқа «Жиззах» махсус индустриал зонаси Жиззах шаҳрининг саноат ҳудудидида 526 гектар ҳамда ушбу зонага филиал-сифатида Сирдарё вилояти ҳудудидида 200 гектар ер майдонларида амалга оширилиши белгилаб олинди.

Жорий йилнинг апрель ойида индустриал зона ишчи гуруҳи аъзолари Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташриф жараёнида Хитойнинг 20 дан зиёд йирик компаниялари билан енгил саноат, электротехника, автомобиль саноати, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ва бошқа соҳаларда жами 51 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган келишувларга эришилди.

Шу йилнинг 2-4 июнь кунлари Тошкент шаҳрида «Жиззах» махсус индустриал зонаси — хитойлик компаниялар учун қўлай инвестицион имконият» мавзусида бизнес-форум ўтказилди. Тадбир якунида Хитойнинг йирик компаниялари вакиллари билан иборат 30 кишилик ишбилармонлар делегацияси Жиззах вилоятида бўлиб, махсус индустриал зонадаги шарт-шароитлар, мавжуд инфраструктура, қўлайликлар билан яқиндан танишди. Форум натижаларига кўра, қиймати қарийб 100 миллион АҚШ долларига тенг 21 та ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишув битимлари имзоланди.

Бугун шаҳарнинг саноат ҳудудидаги каттагина майдонда улкан қурилиш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Махсус индустриал зона бўйлаб замонавий йўллар ва кўприklar, инфраструктура объектлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва сервис хизмати шохобчалари барпо этилапти.

— Махсус индустриал зона ма-

ҳалламизга яқин, — дейди ЎзДП фаоли Тўлқин Ахроров. — Ўн уч минг нафардан кўпроқ аҳолимиз бор. Янги корхоналарнинг ишга тушиши эса маҳалламиз аҳолиси, айниқса, ёшлари учун қўшимча иш ўрни яратди, даромад манбаига айланади.

— Давлатимиз раҳбари вилоятимизга қилган яқиндаги ташрифи чоғида ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва ички имкониятларига юқори баҳо берди. Вилоятда толани қайта ишлайдиган ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналар қуриш, бундай корхоналарда хотин-қизлар ва ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларнинг ишлашини таъминлаш. Ҳаёт муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади, — дейди Жиззах шаҳар ҳокими-нинг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Мухторова. — Бугун шаҳримизда истиқомат қилаётган 161 минг нафар аҳолининг 811 минг нафарини хотин-қизлар, 74 минг нафарини эса ёшлар ташкил қилади. Индустриал зонада барпо этилажак корхоналарда асосан уларнинг меҳнат қилиши бандлик муаммосини ҳал этиш,

аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда вилоятда давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадал давом эттириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзгариш ва натижалар кишини қувонтиради. Масалан, 2000 йилда вилоят бўйича бор-йўғи 90 та саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 1307 тага етди. Бундай корхоналар асосан қурилиш, машинасозлик, қиммат қўлғи ва табиий ресурсларни қайта ишлаш тармоқларини ўз ичига олган. Махсус индустриал зона доирасидаги лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши муносабати билан уларнинг сони янада кўпаяди. Бу эса ҳудудларнинг қиёфасини тиздан ўзгариштирибгина қолмасдан жаб-захликлар, айниқса, ёшлар учун минглаб янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини янада ошириш имконини ҳам беради.

Иброҳим ЖОЎЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Хориж



5 қаватли уй



қулаб тушди

Хиндистоннинг Мумбай шаҳрида 5 қаватли уй қулаб тушди. 150 нафар кутқарувчининг икки кунлик тинимсиз меҳнати боис вайроналар остидан 61 кишининг жасади чиқариб олинди ва шахси аниқланди. 33 киши эса турли даражада тан жароҳати олганлиги сабабли

шифоҳоналарга ётқизилди. Айримларининг аҳоли ўта оғир, деярли ҳаёт беради ИТАР-ТАСС.

Хукукни муҳофаза қилиш органи ҳодимлари ушбу ҳалокатнинг сабабчиси бўлган бир кишини қўлга олди. У мазкур бинони ижарага олган фирма директори бўлиб, биринчи қаватни идора учун мўлжаллаб руҳсатсиз, ўз билганича қайта қуриб, ўзгартирган. Натижада бино мустаҳкамлиги заифлашган ва охир-оқибат қулаб тушган.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги бир неча ой ичида Мумбайнинг ўзида кўп қаватли бинонинг бешинчи марта қулашидир. Жорий йил апрелида яна бир кўп қаватли турар-жойнинг қулаши натижасида 72 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

Ҳомиладор аёллар



жазога тортилади агар...

Эстония Адлия вазирлиги қонунчилик ташаббуси ваколатидан фойдаланиб, янги қонун лойиҳасини тайёрлади ва қўриб чиқиш учун ҳукумат эътиборига ҳавола этди, деярли ҳаёт беради «Eesti Paevaleht» газетаси.

Ушбу лойиҳада ҳомилдор аёллар сизарет чекиб, туғилажак ҳомиласи саломатлигига зарар етказса, 96 евродан 1600 еврога-ча бўлган миқдорда жазога ҳисобланади. 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш

жазосига тортилиши назарда тутилган.

Амалдаги қонунчиликда ҳам бу борада жазолар белгиланган. Фақат ҳомилдор аёлнинг ноҳисса ҳаракатидан ҳомила но-бўд бўлсагина жазони қўллаш назарда тутилган. Энди эса зарарли одатлар оқибатида ҳомилга бирон-бир зиён етказиш мумкин бўлган ҳолатлар ҳам жазога тортилишига сабаб бўлади.

Эстония саломатлигини ривожлантириш институти таълимларида қайд этилишича, ўтган йили ҳомилдор аёлларнинг 8,3 фоизи сизарет чекиши аниқланган. Дарвоқе, ўтган йили Украинани Олий Раёсати депутатлари томонидан ҳам ҳомилдор аёлларнинг зарарли одатлари учун маъмурий жазо қўллаш таклифи илгари сурилганди. Бироқ бу таклифни ўзида мужассам этган қонун лойиҳаси ҳали қабул қилинганча йўқ.

15 минг ишчи



ишдан бўшатилди

Германиянинг «Siemens» компанияси дунёдаги барча бўлиналарида умумий ҳисобда 15 минг ишчи ўрни қисқартирилишини маълум қилди. Компания вакилининг расмий ахборотида асосланиб «Fran-

ce-Presse» ахборот агентлиги бу ҳақда хабар тарқатди.

Компания менежерлари иш ўринларини қисқартириш режасини ишчилар вакиллари билан келишилган ҳолда амалга оширмоқда.

Иш ўринларининг оммавий қисқартирилиши 2014 йилда 6 миллиард евро миқдорига тенг маблагни иқтисод қилиш имконини беради.

Молиявий кўрсаткичларнинг тушиб кетгани ушбу чорани қўллашни тақозо қилди. Жорий йилнинг учинчи чорагида молиявий кўрсаткичлар 31 фоиз тушиб кетган.

Табиий офатдан



6 миллиард доллар зарар кўрди

Сентябрь ўрталарида Мексикада кучли сув тошқинлари рўй берганди. Тинч ва Атлантика океанларидан босиб чиққан «Мануэль» ва «Ингрид» деб номланган тропик тайфунлар оқибатида бир неча кун-

лаб шаррос ёмғир ёққан, натижада тупроқ қўқчилари ва сув тошқинлари юзга келиб, 139 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, 35 киши эса турли даражада тан жароҳати олган, 53 киши дом-дараксиз йўқолган, 240 минг киши жиддий иқтисодий зарар кўрган, 1,2 миллион киши эса у ёки бу даражада табиий офатдан хабар чеккан.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, «Новости» ахборот агентлиги маълум қилишича, ушбу табиий офатдан қўрилган умумий зарар 75 миллиард песо (таxminан 6 миллиард доллар)ни ташкил қилади.

2005 йилда ҳам мамлакатга «Уильма» тўфони ёпирилган эди. Ушанда қўрилган зарар 2,3 миллиард долларни ташкил қилганди.

БАНКРОТ корхоналарнинг фаолияти қайтадан йўлга қўйилиши

ижтимоий-
иқтисодий
масалаларни
ҳал қилишга
хизмат
қилмоқда

Республика Марказий банки томонидан «Инқирозга қарши чоралар, тижорат банкларининг банкрот корхоналарни соғломлаштиришдаги ўрни» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

— Бундан беш йил аввал бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз бир қатор мамлакатлар иқтисодиёти, йирик транснационал компаниялар, молия институтлари фаолиятига жиддий зарар етказди, ишчилар сони ошиб, аҳоли даромадлари тушиб кетди, — дейди Марказий банкнинг Тижорат банклари инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов. — Ана шундай шароитда мамлакатимиз Президентини раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури глобал инқироз таъсирини нафақат юмшатиш, балки миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишини таъминлаш ва барқарорлигини мустаҳкамлаш асоси бўлди. Хусусан, мамлакатимиз тижорат банклари мазкур дастур доирасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, тижорат банклари зарар қўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси ўзини тўла оқлади. Банкларнинг молиявий, ташкилий имкониятларидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда кенг фойдаланиш механизми янгилик бўлиб, дунё банк тажрибасида қўлланилмаган эди. Ушбу усулга кўра, тижорат банклари банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдолари орқали сотиб олади. Банклар ўз балансида олган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилади. Кейинчалик мазкур корхоналар стратегик инвесторларга бозор қийматида сотилади. Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш механизми янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш баробарида, банкротлик тўғрисида хизматчиларга ўз вақтида берилмаган ойлик маошларни, таътил пуллари қоплаб беришдек муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифани ҳам бажаради.

2013 йилда тижорат банклари

балансида 171 та корхона қабул қилинган. Уларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тижорат банклари томонидан 442,6 млрд сўмлик миқдорда инвестициялар киритилган. Ҳозирда тижорат банклари инвестициялари ҳисобида 156 та банкрот корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 25 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Шу кунга қадар эса 122 та корхона стратегик инвесторларга сотилди. Фаолияти тикланган корхоналарда бугунга қадар 2,3 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 631,9 млн АҚШ доллар миқдоридида саноат маҳсулотлари яқин ва узоқ хориж мамлакатларига экспорт қилинди.

Яна шуни айтиш мумкинки, қайта тикланган корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритишида ҳукумат томонидан солиқ имтиёзларининг берилиши муҳим ўрин тутмоқда. Тижорат банклари, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида янгидан ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб то стратегик инвесторга сотилгунга қадар уч йил мобайнида мол-мулк солиғи, ағона солиқ, даромад ва ер солиқларидан озод этилади.

Тадбирда тижорат банклари-нинг масъул ходимлари томонидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Янги касб-ҳунар коллежи

— Муассасамизда беш йўналиш бўйича касб-ҳунар сирлари ўргатилади, — дейди коллеж директори Раҳимбой Иброҳимов. — Маълумки, Хива азал-азалдан ўзининг гиламлари билан машҳур. Малакали му-тахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида коллеж барпо этилди. Битирувчилар гилам чиқа-

рувчи корхоналарни мутахассис билан таъминлайди. Шаҳарда айни вақтда йирик гиламчилик мажмуаси ишлаб турибди. Бундан ташқари, гиламчилик корхоналари ташкил қилган тадбиркорлар ҳам етарли.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Маҳсулот ҳажми кўпаймоқда

Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихонсўт» масъулияти чекланган жамиятининг «Shahmilk» бренди остидидаги жаҳон андозоларига мос қодокланган, кўркем, сифатли сўт маҳсулотлари ўз хариддорларини топганига анча бўлди.

Корхона яқинда қайтадан модернизация қилиниб, Хитой технологияси асосида жиҳозланди. Бунинг учун «Хамкорбанк»нинг 100 миллион сўм кредити йўналтирилди. Натижада яна 10 нафар ёш ишли бўлди ҳамда корхонанинг маҳсулот ҳажми янада ортди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Бандлик

